



ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ



БИРИ-БИРИДАН ГЎЗАЛ МАҚСУЛОТЛАР



АЁЛ — ОИЛА КЎРКИ



СЕВГИГА АЙЛАНГАН ДЎСТЛИК




СЕШАНБА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 147 (9.950) 2003 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ



## ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

**XVI савдоси**  
Барча маълумотлардан олинган сўзги хабарлар

**Мамлакатимизда**

Энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли аънамага айланган.

Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўй танталарини кўтаринки руҳда кутиб-лишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якуналарига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республика-мизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макро-иқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуг меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улари онгу шуурига Мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда

хеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий мақсадимиз - эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий толган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одамилаётганимизнинг далолатидир.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар Истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиغان кун - Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёс-ли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонда бўлиб ўтади-ган катта байрам танталарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шуқуҳли, бетакрор ўти-ши учун бу ерда барча ташкилий, қури-лиш-монтаж ишлари, шунингдек, бади-ий-саҳна томошалари тайёргарлиги ав-жида.

Ўзбекистон Республикаси мустақил-лигининг 12 йиллиги байрамига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгай-тирилган мажлисида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президентимиз томони-дан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамига ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида Республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!» шиори остида ўтказилиши таъкидлан-ди.

Бу йилги асосий байрам танталари-да истиқлол йилларида эришган ютуқ-ларимизни, миллий гоё, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳала йилда амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фао-лияти ҳақидаги бадиий дастурлар на-мойиш этилади. Байрам баҳона санъа-тимизнинг янги қирралари намоён бўла-ди, янги-янги истеъодлар кашф эти-лади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозиб-али рақслар, ранг-баранг томошалар яра-тилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вило-ятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тан-таналари ҳамда халқ сайилларини ўтказ-иш учун қизгин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида аънавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Аънавий «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрамнинг я-қиний концерти ҳамда «Ниҳол» мукофоти-га сазовор бўлган истеъодли ижрочи-ларни тақдирлаш маросими ўтказила-ди.

(Давоми 2-бетда)

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мамлакатимизга товарларнинг ноқонуний йўллар билан олиб қилинишига қарши курашни кучайтиришга оид масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика ҳуқуқ тартиб-тоб идоралари масъул ходимлари, маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқари-дан йиғилишда юртимизда ички бозорни сифатли маҳ-аллий маҳсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишлар амалга оши-рилаётганини таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат масла-ҳатчисининг ўринбосари К.Исмоилов, давлат божхона кўмитаси раиси Б.Парпиев, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Эргашев ва бошқалар жисмоний шахс-лар томонидан мамлакатимиз ҳудудига товарлар олиб ке-линишини тартибга солиш ва юкларни божхона масканла-рида расмиёлаштириш тар-тибини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолияти

учун кенг шароит яратиш бо-расидаги ишлар ўз натижа-сини бераётганини қайд этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган «Жисмоний шахс-лар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига то-варлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»-ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ эти-лиши натижаси ўлароқ, жис-моний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлар-дан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғим-лар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда ту-тувчи божхона тўловлари ундиришнинг соддалашти-рилган тартиби жорий этил-ди.

Ички истеъмол бозори-га ноқонуний ва контрабан-

да йўли билан товарлар олиб келинишини барта-раф этишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Бу йўна-лишдаги ишларни самара-ли ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички иш-лар бош бошқармаси билан ҳамкорликда йўл-патрул хизмати масканларида, ай-ланма йўлларда ва «Тош-кент» темир йўл вокзалида ҳаракатдаги тезкор гуруҳ-лар тузилди. Натижада но-қонуний йўллар бўлиб келинаётган катта миқдор-даги моддий товар бойлик-лар ушлаб қолинди.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан товар олиб келиниши-га қарши кураш чораларини янада кучайтириш, бу иш-ларга кенг жамоатчиликни жалб этиш зарурлигига ало-ҳида эътибор қаратилди. (ЎЗА)

## ҚИСҚА сатрларда

□ **КЕЧА** Ўзбекистон Фанлар ака-демиясида Халқаро ёшлар аэро-космик жамғармаси ташаббуси билан Халқаро Аэрокосмик мак-таби ўн бешинчи мавсумининг очилиши бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Думбиробод» маҳалла гузарига «Катта Қозиробод», «Нақшошлик», «Маданият», Усмон Юсулов ма-ҳаллалари ҳамкорлигида туман маҳаллалари фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ишти-рокида «Терроризм, террорист-лар ва уларга қарши кураш», «Ақидалар ва хурофотга қарши курашда аёлларнинг роли» мав-зуларида тадбир ўтказилди.

□ **КЕЧА** «Ўзбек-Турк» банкида «Миллий қадриятларнинг оила-вий тарбиядаги аҳамияти» мав-зуида ўтказилган тадбир «Маъна-вият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томони-дан уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Жаҳонда

• Сенегал пойтахти Дакарда бўлиб ўтган Африка мамлакатла-ри анжуманида Либериядаги мо-жароларни ҳал қилиш мақсадида ушбу мамлакатга тинчликпарвар кучларни киритиш масалалари му-ҳокама қилинди.

• Россияда хоржий мамлакат-ларда ишлаб чиқарилган ҳамда илгари фойдаланилган автомо-билларни олиб кириш учун бож тўловлари деярли икки баравар-га оширилди. Натижада хорж ав-тоуловларининг нархи кескин ошди.

• Уч кундан буён Японияда су-рункали ер силкинишлари юз бер-моқда. Пойтахт Токиога нисбатан шимолда жойлашган Миги вилоя-тида кетма-кет рўй берган zil-зилалар кўплаб одамларни сароси-мага солиб қўйди. Мутахассислар-нинг таъкидлашича, кетма-кет рўй берган бундай кучли ер силкиниш-лари 1949 йилдан буён рўй бер-маган эди.

• Туркиянинг Истамбул шаҳри-да кураш бўйича «Бостфр кубоги» биринчи халқаро турнири яку-наланди. Унда 81 килограммга ва-знда юртимиз шарафини ҳимоя қил-ган полван Акмал Усанов барча ра-қибларини енгган ҳолда олтин ни-шонни қўлга киритди.

**Иқтисодиёт**

**КОЛЛЕЖ МЕБЕЛЛАРИ**

Шаҳримиздаги «Диенвиди» Ўзбекистон-Латвия қўша корхонаси айна пайтда буюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда.

Корхонада буюртмага кўра ётоқхона, офис, ўқув ва тиббиёт соҳаларига мослаштирилган мебеллар тайёрланади.

Кўша корхона ўтган йили бир ойда 20-30 турдаги мебель ассортиментларини ишлаб чиқарган бўлса, айна кунларда жамоа шаҳримиздаги коллежлар учун буюртма асосида ўқув мебеллари тайёрламоқда.

Шунингдек, режага кўра ўтган йили бир ойда 10 миллион сўм миқдорига маҳсулот ишлаб чиқарган корхона жорий йилнинг июль-август ойларида 15 миллион сўмликдан ортик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР**

Ҳозирги кунда ихчам, замонавий, бежирим оёқ кийимлари ҳар қандай харидор талабига мос тушади. Шаҳримизда фаолият юритаётган «Нафис» масъулияти чекланган жамияти ходимлари ҳам айнан ана шундай маҳсулотлар яратишга интилишмоқда.

Ушбу корхона шартнома асосида иш юритиб, асосан оёқ кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Эраклар, аёллар, болалар оёқ кийимларини янги услубда яратишда корхонанинг 30 дан ортик ишчи-ҳодимлари ҳамжихатликда ҳаракат қилишмоқда.

Айна пайтда жамият ходимлари болалар мактаб бозорига маҳсулот чиқариш арасида. Шу билан бирга мавсумга мўлжалланган кўзи-қиши оёқ кийим турлари устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Ҳозирда корхонанинг ходимлари 2 ойда 7-10 миллион сўм миқдорига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Келгусида чет элдан оёқ кийимнинг таг қисмини қуяйдиган дастгоҳ сотиб олиб, маҳсулотимиз турларини ва сифатини янада яхшилашни мақсад қилдик, — дейди корхона раҳбари Нигматилла Расулов. — Чунки маҳсулотнинг тури қанча кўп бўлса, товар харидорғи бўлади ва буюртмачилар учун танлаш имконияти кенгайди.

**«ОФИС ПРИНТ»— БОЛАЖОНЛАР УЧУН**

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Офис принт» масъулияти чекланган жамияти ходимлари болажонларимиз учун «Узинг бўя!», «Бўя, болажон» номли расмли журналлар чиқариб ота-оналар кичкинтойларини мамнун этмоқда.

Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи жамият ҳозирда мактаб ўқувчилари учун фанларга мос ўқув дафтарлари, умумий дафтарлар ишлаб чиқармоқда.

Шунингдек, корхона шоир, ёзувчиларнинг китобларини шартнома асосида босмадан чиқаради.

Келгусида жамоа қошида ёшларимизни адабиётга қизиқтириш мақсадида «Нихол» альманахи ҳамда «Нихол» номли боғча-мактаб яратиш ишлари кўзда тутилган.

Орагул РУСТАМОВА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тadbирлар Абдухалиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамлини, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш, иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокургазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектакллар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

**ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ**

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнатчилари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимия чемпионлари, кўриқтанловлар голиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

«Обод маҳалла йили» дастури вазиғлари ихросига қаратилган кўриқ-танловлар, спорт мусобақалари, ободлаштириш ойлари, умумхалқ хайрия хашари ташкил этилади. Байрам арасида куриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорт иншоотларининг танталли очилиш маросимлари бўлади.

Кутлуг айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбия-

ланувчилари йўқланади. қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг қўламли тadbирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг кадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажакда нақадар буюк аҳамиятга эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тарихида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустақам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

(Ўза)

**ТАДБИРКОРЛИК**

**ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ**

Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаётимизга чуқур кириб боргани сари одамлар эҳтиёжи, истаклари асосида аҳолига савдо, маиший хизмат, тиббиёт ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари иқтисодий тилда айтганда тadbиркорлик субъектлари юзага келаяптики, бу — давр талабидир.




Ҳақиқатан ҳам бирон-бир тadbиркор бугун ҳали ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган янги фаолият турини йўлга қўйса бунинг сира ажабланидиган жойи йўқ. Зеро, давр, замон шуни талаб этаётти. Бунинг устига бозор иқтисодиётининг рақобат аталмиш бир қоидаси ҳам борки, тadbиркор иш бошлашдан аввал тегишли соҳани батафсил ўрганиб чиқиб сўнгра ишга бел боғлайди.

Шаҳримизнинг 2-Кўйлик даҳасида янги ветеринария дўкон клиникаси иш бошлади. Ушбу «Ал-Товфиқ зооветмаркет» хусусий ветеринария клиникасида қандай парранда ёки жонивор сотилса ҳам соғломлигига қафолат берилиши қувонарлидир.

Клиника бир вақтнинг ўзида ҳам қушлар ва ҳайвонлар дўконини ҳам, ветеринария дорихонаси ва зооветеринария клиникаси ҳисобланар экан.

— Бизда паррандалар саломатлиги юз фоиз қафолатланади, — дейди клиника раҳбари Тоҳир Абдурашитов. — Биз харидорга биринчи хизмат кўрсатиш чоғида, жўжа, тўти ёки бошқа паррандаларни харид қилганларга, жониворлар то янги шароитга мослашунга қадар уларнинг саломатлигидан хабар олиб туриш тўғрисида шартнома тузимиз. Энг муҳими, дастлабки хизмат бепул бажарилади. Маълум муддат ўтгандан сўнг, айтилик мижозда биз билан доимий ишлаш истаги пайдо бўлса узоқ муддатли пулли шартнома тузимиз.

Тошкентда янги асимда ҳайвонот дунёсига оид савдо



шохобчалари, ветеринария дорихоналари кўп. Аммо тегишли дори-дармон, турли парранда-ю уй ҳайвонларини сотиш ҳамда уларга клиник хизмат кўрсатиш ҳозирча фақат «Ал-Товфиқ»дагина мавжуд.

Клиникани «оилавий корхона» деб атаса бўлавереди. Унинг асосчиси олим Товфиқ Абдурашитов. У киши ветеринария бўйича кўзга қўринган мутахассис. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ветеринария илмий марказини ташкил этиб, унга бир неча йил раҳбарлик қилган олим. Нодир, Бобур ва Тоҳир Абдурашитовлар ота изидан бориб, Санкт-Петербург ветеринария институтидан таҳсил олганлар.

— Бу ерда турли дори-дармонлар, парранда ва уй ҳайвонлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотишдан ташқари уларни даволаш билан ҳам шуғулланамиз, — дейди Тоҳир ака. — Мижозлар «беморлар»ни кўпинча шу ерга олиб келадилар. «Тез ёрдам» хизматимиз ҳам йўқ эмас. Бизга телефон орқали буюртма беришса жойларга бориб ҳам хизмат кўрсатамиз.

Савдо залидаги сайроқи қушлар, тўтилар, товуқ ва жўжалар, турли хил балиқлар ҳамда уларнинг емши билан савдо қилаётган сотувчилар ишини кузатар экансиз, албатта пойтахтимизда яна бир аjoyиб хизмат тури юзага келганидан мамнун бўласиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: ветеринария клиникасида паррандалар ва жониворлар учун турли хил дори-дармонлар мавжуд.

**Мустақил экспертиза амалиёти**

Ўзбекистонда МДХ ва бошқа кўплаб давлатлар орасида биринчи бўлиб илмий ишларга олдиқ тақриз бериш муаммоси ҳал этилди. Яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси амалиётга тadbир этиладиган ушбу янгилик туфайли илмий даражага даъвогарлар эндиликда бу муаммо хусусида бош қотирмайди.

Яқинда Олий аттестация комиссиясининг бир гуруҳ ходимлари ноёб дастурий маҳсулот учун Давлат патент идорасининг муаллифлик гувоҳномасини олди. Улар илмий ишларни тақризга жўнатиш махфийлигини таъминлашнинг компьютер тизимини ишлаб чиқди. Фанларнинг барча мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича республикамизнинг етакчи олимлари — академиклар, фан докторлари ва профессорлардан иборат рецензия берувчиларнинг маълумотлар базаси яратилди. Бунда уларнинг ҳар бири ҳақидаги маълумот етти рақамдан иборат код билан шифрланган.

Компьютер ҳимоя қилишга тавсия этилаётган илмий ишнинг мавзусини билган ҳолда маълум алгоритм асосида ушбу иш учун тақриз қилувчини танлайди ва уни электрон почта орқали жўнатади. Шунингдек, компьютер илмий ишнинг муаллифи раҳбари ёки оппоненти ёхуд ҳимоя қилиниши кўзда тутилаётган ихтисослаштирилган кенгаш экспертизасига тушиб қолмаслигини назорат қилади. Таъкидлаш кераки, Олий аттестация комиссияси ёки илмий жамоатчиликнинг бирон-бир вакили компьютерда курыа ташлашда иштирок этмайди. Ана шу тарзда олим

меҳнатининг махфийлиги ва холислиги таъминланади.

Янги тизимни жорий қилиш — Олий аттестация комиссиясининг республикамиз илмий кадрларини аттестациядан ўтказиш ва улар томонидан ўтказилаётган тadbиротларни баҳолаш механизмининг тақомиллаштиришга қаратилган чоратadbирлари дастурининг бир қисми. Мустақил экспертиза амалиётини кенгайтириш учун Олий аттестация комиссияси олимларимиз ишларини тақриз қилиш тўғрисида бошқа давлатларнинг ушбу йўналишдаги тadbиротлари билан шартномалар тузишни ҳам кўзда тутган. Масалан, украинлик ҳамкасблар билан уларга айрим илмий ишларни экспертизадан ўтказишга жўнатиш тўғрисида келишиб олинди. Ўзбекистонлик мутахассислар тажрибаси бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиб уйғотмоқда.

(Ўза)

## Тиббиёт ХЎЖАЛИК ХИСОБИДАГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

Аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида республикамизда муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Дори воситаларини стандартлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги илмий марказнинг очилиши ҳам айни мuddао бўлди.

Тошкент фармацевтика институти негизда юзага келган бу марказ дори-дармонлар сифатини аниқлаш ҳамда янги хил препаратлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Кейинги вақтда бу ерда 6 хил янги турдаги дори-дармон тайёрланди. Шулардан 2 таси чет эл буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилмоқда. Украинадаги «Экометпродукт» ҳиссадорлик жамияти буюртмаси ҳам ўз вақтида адо этилмоқда. «Фолтон Консулт» (АҚШ) фирмаси ҳам бу хил препаратлар билан қизиқмоқда. Шу мақсадда марказга буюртмалар берилди.

## ПОЛЯК ШИФОКОРЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

«Она ва бола саломатлиги» халқаро дастури доирасида амалга оширилаётган илмий анжуманларда шу йўналишдаги муҳим долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинмоқда. Польша Республикасининг Катовица шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманга ҳам катта тайёргарлик кўрилди.

Унинг ишида ўзбекистонлик шифокор олимлар ҳам фаол иштирок этдилар. Тошкент педиатрия-тиббиёт институти поликлиника педиатрия кафедраси муdiri профессор Анвар Исроилов ҳам анжуманда қатнашиб, поляк шифокорларига ўзбекистонда она ва бола саломатлиги йўлида кўрилатган тиббий тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Ушбу тадбирда педиатриянинг неонатология ва неврология сохалари бўйича олий ўқув юртида олиб борилаётган илмий изланишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

## ЗАМОНАВИЙ ДАСТУР АСОСИДА

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтида бўлажак шифокорларга пухта билим ва амалий кўникма беришга қаратилган ўқув-методик ишларга катта аҳамият берилмоқда.

Талаба-ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш мақсадида олий ўқув юрти илмий кенгаши қарори билан «Кадрлар: бугунги кун талабларига мослашиш маҳорати ва иштиёқи» номли тадбир дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур остида амалга оширилаётган ўқув-тарбиявий ишлар бўлажак шифокорларда инсонпарварлик психологияси, масъулиятли эркинлик, ҳаракатчанлик ҳиссини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Туркистон» саройида пойтахтимизнинг марказий майдонида бўлиб ўтадиган мустақиллик тантаналарида қатнашадиган эстрада блокнининг кўриги ўтказилмоқда.

Юртимизнинг санъат аҳли Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, айнан шу байрамда кўпгина ёш ижрочилар илк бор ўз истеъдодларини намойиш қилдилар.

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий ижодий гуруҳи эстрада кўшиқчиларини жиддий талаблар асосида кўриқдан ўтказишди. Танловнинг биринчи босқичида 326 та кўшиқчидан ўн тўрттаси иккинчи босқич учун йўлланма олган бўлса, бу галги босқичда яна 64 та кўшиқ ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола этилди.

Ўтган босқичда асосан республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ҳаваскор хонандаларнинг кўшиқлари кўрилган бўлса, танловнинг бу босқичида кўпроқ профессионал кўшиқчилар кўриқдан ўтди. Ҳайъат аъзолари хонанданинг ижро маҳорати, кўшиқ матни ҳамда композициянинг мазмун ва моҳиятига эътибор қаратмоқда. Кўшиқларнинг мазмуну турфа. Уларнинг кўпчилиги она ватанини мадҳ этса, севги, муҳаббат, инсоний муносабатлар, яхшилик, зсгуликни тараннум этувчи кўшиқлар ҳам бор.

Кўриқда яна бир ойдан кейин Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалига ҳам кўшиқлар танланмоқда. Танловнинг учинчи босқичи 7 август кун катта сахнада ўтказилади.

## • ИҚТИСОДИЁТ

«Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти кўли гул чеварларининг бир-биридан гўзал маҳсулотлари нафақат пойтахтимиз, балки республика, бутун Марказий Осиё давлатлари, яқин ва олис хорихда ҳам ўз мухлисларига эга.



## БЕЖИРИМ КИЙИМ-БОШЛАР ТИКИЛМОҚДА

Мазкур жамиятнинг кўргазмалар залини айланар экансиз, унда моҳир кўли, юксак дид эгалари бўлган усталар томонидан яратилган бетакрор сўзана, гилам, гулкўрпа, кирпеч каби маҳсулотлар кўрган кўзларни қувнатибгина қолмай, дилларга ҳузур бағишлайди.

Мазкур корхона маҳсулотларида ипак, духоба, баҳмал, сатин матолари кенг қўлланилади. Эътиборли томони, жамият аъзолари ишлаб чиқараётган янги маҳсулотлар буюртмачиларга давлат рамзи ва Ўзбекистон Республикаси байроғи тикилиб жўнатилмоқда. Бундай ҳуқуққа Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 2 тагина корхона сазовордир. Корхона тадбиркорлари тикувчи-

лик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Эрак, аёллар кўйлаклари, болалар учун чиройли, бежирим кийим-бошлар тикилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзимизнинг табиий матолардан тайёрланмоқда.

Гўзаллик яратувчи ушбу бадий буюмлар усталари шарафли меҳнатлари маҳсули билан юртимиз доверугини жаҳонга таратмоқдалар.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТДА: «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Шаҳодат Маҳкамова навбатдаги буюртмани бажариш жараёнида.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

## ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика Мудофаа вазирлиги марказий офицерлар уйда Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси битирувчиларига дипломлар топширилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади ватанимиз тинчлиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлиги, ташқи ва ички душмандан, шунингдек, террорчи ва турли экстремистик гуруҳлардан ҳимоя қилишдек шарафли бурчни юксак даражада бажаришдан иборат. Бу жараёнда юксак малакали офицерларни тайёрлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси ҳар

йили миллий армиямизнинг турли қисмларига мутахассислар етказиб бермоқда. Бу йил ҳам 60 нафар офицер тайёрланди.

— Қаерда хизмат қилишларингиздан қатъий назар зиммаларингиздаги катта масъулиятни ҳис қилингизлар, димо шахсий таркибга эътиборли бўлинглар, — деди тадбирда сўзга чиққан Республика Мудофаа вазири Қодир Фуломов. — Бугунги кунда мамлакатимиз кўпгина давлатлар билан

ҳарбий, техникавий соҳада мустаҳкам алоқалар ўрнатмоқда. Биз мустақил давлат сифатида ўз кучимизга, ўз армиямизга, ўз ҳарбийларимизга ишонишимиз ва таянишимиз керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сон жиҳатдан ихчам, лекин катта куч-қудратга эга армияни ташкил этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Маросимда сўзга чиққанлар, мамлакатимиз чегара хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва энг асосийси халқимиз тинчлиги ва осойишталиги офицерларнинг касбий маҳоратига болғик эканлигини алоҳида таъкидлашди. Битирувчиларга магистрлик дипломлари топширилди.

«Туркистон-пресс»



Бунчалар гўзалсан, она Тошкентим!  
Ҳақимжон Солихов олган сурат.

Республика Миллий матбуот марказида АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) томонидан «Марказий Осиёда табиий ресурсларнинг бошқарувини такомиллаштириш» дастури (NRMP) ҳамда Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Биозкосан» ўқув-таълибий маркази, маҳаллий экология билан шуғулланувчи «Дилхуз» ҳамда «Қидирув» нодавлат ташкилотлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

## СУВДАН Фойдаланишни ЎРГАНАЙЛИК

— Сув ҳаёт манбаидир. Уни тежаш ва сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади, — деди USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили Жеймс Гоггин «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Шу мақсадда, жорий йилнинг 23 июлидан 10 августигача Ўзбекистоннинг ёзги оромгоҳларида дам олаётган мактаб ўқувчилари учун сувни тежашга қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг янги тадбирлари ўтказилди. NRMP дастури уч йилга мўлжалланган бўлиб, у сувни тежаш масалаларига бағишланган ва сувнинг иқтисодий, экологик аҳамиятига оид қизиқарли маълумотларни қамраб олган иккита ўқув қўлланмасини ишлаб чиқди. Ушбу қўлланмалар АҚШ Фанлар академиясининг маълумотларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Китоблар ўқувчи ва ўқитувчиларнинг синфдан ташқари машғулоти учун қўллана бўлиб хизмат қилди. NRMPнинг телевидение ва радиода намойиш этиш учун тайёрланган сувни тежаш ҳақидаги ижтимоий роликлари тадбирнинг асосий қисми бўлади. Мазкур фильмлар болаларда сув ва унинг қиммати, тежаш ҳақидаги фикрларини янада бойитишга ёрдам беради. Муҳокамадан сўнг муқофотлар, факхий ёрликлар билан тақдирланиш ҳамда ўйин, викторина ва танловлар ўтказилди.

Ж. Гоггиннинг таъкидлашича, NRMP мутахассислари, «Биозкосан» маркази ва нодавлат муассасалар вакиларидан ташкил топан гуруҳ Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч ва Термиздаги тўққизта болалар оромгоҳларига таширф буюришади.

«Туркистон-пресс»

Аёл — гўзаллик, яратувчанлик тимсолидир. У меҳрибон она, вафоли ёр, қалби дарё меҳрибон сингил. Аёл билан олам мунаввар. Халқимиз азал-азалдан аёл зотини улуг-лаб келган.

Хозирда аёлларимизни турмушнинг барча жабхаларида учратганимиз мумкин. Ўзбек аёлини жаҳон спорти, санъати, фани, маданияти, ривожига ҳисса қўшаётган буюк аёллардан десак, муволажа бўлмайди. Шу ўринда ҳақиқат тўғрисида. Хозирги кунда қизларга, сингилларимиз, умуман ёшларимизнинг маънавий дунёқароши қандай? Ўзи келганда шуни айтиб кетиш керакки, хозирда баъзи ёшларимиз ҳаётга, оилага, жамиятга энгил-елли қараш оқибатида ўз қадрини йўқотиши кеңирилмас ҳолатдир.

Оила кўрки — аёлдир. Агар унинг заррлар билан безатилган бўлса ҳам, оқила аёл бўлмаса, у унинг файзи ва зийси бўлмайди. Ўз навбатида эркакнинг рафиқасига кўрсатадиган меҳрибонлиги ҳар қандай жаҳоирдан ҳам қимматлидир. Аёл киши эркакдан қалби дарёлик, лутфиқорлик, латиф сўз, дилхушлик, ширин ва гўзал омаला, ғайрат ва шижоат қутади. Турмушга чиққан қиз бамисоли кўчирилган ниҳолга ўхшайди. Унинг янги бир оила кучоғига қўниқши, палак ёзиб униб-ўсиши эса кўп жиҳатдан унга умрини бағишлаган йигитнинг меҳри, муҳаббати ва кўрсатадиган ғамхўрлигига боғлиқдир. У ёш ниҳолни қанча меҳр билан парвариш қилса, у шунчалик яхши камол топади.

Умр боғбони шуни асло унутмаслиги лозимки, бу ниҳол бошқа бир боғдаги шароитга ўрганган. Янги оилага қўниқунча қиз боланинг руҳий ҳолатида чуқур бурилиш рўй бериши мумкин. У ўз ота-онаси, ака-ука-

СИЗ УМР БОҒБОНИСИЗ

ҳам, ота-онаси учун ҳам ва қариндош-уруғлари учун ҳам ғам-ташвиш келтиради. Эл-юрт ичида уларни азоб-уқубатга қўяди. Яхши келин одобу ахлоқ жаҳоирларини сеп қилиб келади. Оқила қиз қўшгани билан қўша қариб, ота-онасига бахт ва шодлик бағишлайди. Ота-она ҳам қизларнинг борган ерида тиниб-тинчиб кетиши учун барча чора-тадбирларни кўради. Ёшларнинг турмушлари бузилишига кўпинча қўда-андалар сабабчи бўлишади. Бундай ота-оналарга қизи борган жойида тинчимаган экан, аввал, ўзингизнинг ўша жойдан олиб кетиш борасида жон куйдиргансан, бу борадаги хатти-ҳаракатингизни виждон тарозисида ўлчаб кўр, дейиш лозим. Кувемиз ундок, келиним бундок, деб нолийдиган ота-оналар ҳам афсус учраб туради. Бунинг

бар оналаридан ўрнак олишлари фойдалидир. Модага муккасидан кетган ясанчок, дангаса келин лабини бўйб, пардоз-андоз қилиб, сочини турмақлағунча, лобар қайнона бир онда ҳамма ёқни ораста қилади. Ақлли келин қайнонасидан рўзгор тутишни ўрганади. Яхши қайнона ҳам она, ҳам устоз, ҳам дўгона бўлади. Натихада турмуш лазазати бўлиб бораверади. Хозирда кўпгина ўрта махсус ва олий ўқув юртида одобнома фани ўтилмайди. Тўғри, ҳафтада бир мураббийлар олиб борадиган мулоқот дарси бор, лекин бу таълим-тарбия учун етарли эмас. Одобнома фани жорий қилинса, нур устига нур бўларди. **Иброҳим ТУРСУНОВ, Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси.**

БАХТ ЧИРОФИНИ ЁҚҚАНЛАР

Аёл... бу сўз замирида таърифта тил ожиз гўзаллик мужассам. Дарҳақиқат, назокат ва нафосатнинг беназир илоҳлари — аёллар ҳақида қанча илиқ гапирсак, оз. Зеро, Тўмарис, Она Тереза, Бибиҳоним, Индира Ганди каби Шарқнинг буюк инсонлари ҳам ана шу жингса мансуб эдилар. Уларнинг бири юрт озодлиги олдига жонини тиккан бўлса, ая бири ўзининг оқила насихатлари, ўғитлари билан салтанат ривожини, тинчлигини йўлида жонбозлик кўрсатган...

Лекин аёл қалбнинг бутун борлигини намойиш этадиган яна бир жиҳати бор. Бу ижодкорлик... Қайси томи аёлга ижод қила олишдек улуг инъом Яратган танидан раво қўрилибдими, демак у бахтли инсон. Негаки, қалбнинг туб-тубида туген урган туйғулар, фикрлар назокат ва нозик туйғуларга йўғрилиб, оқ қоғозга раво тўқилади-да. Бунинг устига яна у ижодкор инсон билан умр риштасини боғлаган бўлсачи?! Бу ундан-да, бахт.

Шу боисдан бўлса керак, адабиётимизнинг забардаст чинорлари Ойбек ва Зарифа ая, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ўртасидаги соф севаги, пок муҳаббат устига қўрилган муҳташам маънавий бутунлик ҳақида кўп ўйлайман. Улар чинакам бир-бирини КАШФ қила олган инсонлар. Ҳам ижод қилиш, ҳам ижодкор билан бирга умргузаронлик қилиш... Ижод заворини баб-баравар тортиш... Бунинг учун аёлдан қанчалик сабот, юксак иршоқ, юксак қалб талаб этилади... Кўпимга бектеёр Зарифа Саидносированинг «Ой-бегим мининг» деган китобини оламан. Ўй саҳифалар... Уларга ҳали дунёни беғубор олсон каби тиник қўрадиган, қалби уммон қадар кенгликларини истовчи содда қўзининг кўнгили хотиралари муҳрланган. У ўз атрофини қўраб олган одамларни, унинг бир бўлаги бўлган яқинларини севиб-севиб тасвирлайди... Бора-бора яқинларига бўлган ана шу самимий сўзлар ва туйғулар жиҳоси Ойбекдек улуг сиймонинг нурли сирати билан тўшаб кетади. Зарифа ая гарчи касб тақозосига кўра кимёгар бўлса-да, аjoyиб расмлар чизар, умуман, умрининг охириги йилларида қадар ижод ва илм дардидан айро яшай олган эмас. У Ойбек домланинг оғир кўнларида ҳамдард, шодмон кўнларида бахтларга тўлиб яшарди... Зарифа ая ундан-да бахтли инсон эди. Негаки, Ойбек қайси асарига аёл тимсолига қўл урмасин, унда албатта, Зарифа аяга хос фазилатлар уфғуриб туради. Шу боис, муҳтарам олимимиз Наим Каримов: «За-

рифа опа, бир кам қирқ йил давомида улуг ёзувчининг рафиқаси сифатида унинг уйда бахт ва севиб чирогини ёқиб келди. Не-не асарларнинг ёзилишига илҳом берди...» дея хайратланиб ёзган эди. — Сени бирдан жонисиз кўрдим, Жоним чиқди менинг-ла. Эс-хушимдан асраб турдим, Туйғум кетди сенинг-ла... Ҳа, сиз янглишмадингиз. Бу сатрлар сизу биз яхши биладиган оташқалб шоира — Зулфия қаламига мансуб. У бутун умрини симобдек қалқиб турган қалбини ШЕЪРГА бахшида қилди. Аммо, Зулфияни ана шу хайрат ва фасоҳат бўстонига олиб кирган инсон — Ҳамид Олимжоннинг орамизини жисман тарқ этиш, шоира юрагининг бир парчасини юлиб олгандек бўлди. Зеро, «Бахт ва шодлик куйчиси» унинг учун ҳам устоз, ҳам умрининг бақамти ҳамроҳи эди-да.

Қанча севар эдинг бағрим баҳорини ўрик гулларининг эдинг мафтунини. Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби, Қўзларингга суртиб ўлардинг уни. Айрилиқнинг аччиқ азоби ва захми шоира қалбида ана шундай мунгли эш қолдирган эди. Дарҳақиқат, икки буюк ижодкорнинг руҳан яқинлиги таърифига тил ожиз, аён ҳақиқатдир. Уларнинг бири тўхтама, иккинчиси ундан-да қўлчор, ундан-да мавж-ланиб дарё мисоли бўлиб оқди. Эҳтимол, «Энг гулларини ёшлик чоғида...» деб бошланганда ўша ўтли сатрлар Ҳамид Олимжон қалбидagi ўтли муҳаббатнинг тажаллиси бўлса ажаб эмас. Дарҳақиқат, Ойбек ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам адабиётимизнинг буюк чинорлари. Лекин уларнинг илҳомига илҳом, қалбига шуур бахшида этан ўз Зарифаси, Зулфияси бор. Улар ёққан эзгулик ва машаққат асарлари тимсолида мангуликка дахлдор. **Хумоюн алла**

• ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР



Аёл табиятан заҳматқаш, жонсарақ бўлади. Бирим икки бўлсин, эшикдан биров кириб келса, хижолат тортмай, болаларим бировга термулмасин деб елиб-югуради, ўзини ўтга, чўққа уради. Аммо ҳар доим ҳам ҳаёт у кутганини беравермайди. Гоҳ омадсизлик, гоҳ тасодиф йўлларига чиқади. Қайси биридир шу бўйича ўзини ўнглай олмай қийналади. Қай бирлари икки тиззасига бор дармонини йиғиб, яна тикка туради. Ва юриб кетади. Фақат ўзи ҳаётда ўрнини топибгина қолмай, олисларга ҳам катта йўлларга чиқиш ун сўқмоқчи қилсади.

Болалар бадий ижодиёти республика маркази миллий каштачилик студияси раҳбари Дилором Солиқова ана шундай қатъиятли, кўнгли аёлларимиздан. Одам кўнгилсизлигини эсласи келмайди-ю, аммо турмуши бўлган аёлларнинг баъзилари ўзини бутунлай унуттилади. Ҳаёт улар учун тамом бўлгандай туюлади. Узоқ, жуда узоқ шу кайфиятдан чиқиб кетолмайди. Ўзининг саломатлиги, болалар тарбиясига ҳам таъсир қилади бу кайфият... — Мен ҳеч кимга ёлғизликни раво кўрмайман. Эрағи бор уйнинг қулф-қалити, аёли бор уйнинг фаршчаси бор, — дейди Дилором опа. — Аммо пешона экан...

Умидли шогирдлар етиштирмоқда

тақдиримиз ёлгон тақдир экан. Менда ҳам тушкун кайфият бўлган. Аламимни меҳнатдан олдим. Ёшлигимдан попоп тикаман. Аввал Бадиий буюмлар фабрикасида ишлаганимда ҳунарим ўзимга тирикчилик воситасидай гап эди. Ишдан ташқари буюртма олардим. Аммо кўнглимнинг бир чеккасида бўшлик бордай эди, нимадир етишмасди менга. Тақдир тақозоси билан ҳозирги иш жойимга келдим. Атрофимда расомлар, ганчкор, уймакор, ҳайкалтарош, хуллас санъаткор одамлар. Минг йил дашта югуриб, дарёга етгандай суюнч кетдим. Менга шу муҳит керак экан. Бири-биридан зеҳни қизалоқлар келади ҳунар ўргангани. Улар билан қандай кеч киргани-

ни билмайман. Расомлар, айниқса, таниқли расом Ортиқ Файзуллаев қоғозга чиқаётган аънанавий нақшларимизни кўриб маслаҳатлар берадилар, ўзгаришлар киритамиз. Попопчилик ҳам санъат экан. Санъатда ҳамма шавқ-шавқ бор, ҳаёл бор. Хозир ҳунар ўргатаётганим 23 нафар қиздан Мадина Йўлчиева, Муҳаддас Каримова, Мадина Қамоловалар умидли кўринишга елти. Умуман қизлар нина ўшлайман, деса ота-оналар жон-жон деб рози бўлишлари керак. Ҳар бир тикилган буюм, у оддий кўйлакча бўлсин ёки попоп тикилган паламак, ёстиқ-жилд, чойнак устига кийдирилган чойнактуш бўлсаям, тайёр бўлган, одамнинг кўзини қувонтиради. Қўлимдан иш келади, деган ишонч беради. Ана шундай ишонч одамга, айниқса, қиз бола, аёл кишига жуда керак. Мен учун муҳими шогирдларимда ўша ишончнинг уйғотиши.

— Шахсий кўрғазма ўтказишга тайёргарлик кўраётган экансиз, чойшаблар, белбоғлар бири-биридан нозик ишланган-а, — сўрайман Дилором опадан. — Ҳа, мен учун бу кўрғазма жуда катта аҳамиятга эга. Тонг сахарларда туриб тика-

Аёл борки, олам мунаввар
ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГЎЗАЛЛАРИ
Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси
Халқимизда қадимдан «Кудачилик — минг йилчилик» деган ибора кўп такрорланади. Ҳақиқатан қанда-анда, борди-қолди узоқ йиллар давом этиб, қариндош-уруғчилик ришталари ўзаро маҳкам боғланади. Ўзбек халқи учун қудалар — энг нозик, энг мўтабар меҳмон ҳисобланади. Давраларнинг тўри аввало улар учун ажратилади. Уларга доимо алоҳида иззат-икром кўрсатилади.

• ИБРАТЛИ ОИЛАЛАР ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Кўпинча ҳар хил воқеаларни эшитамиз, қузатамиз. Баъзи ёш оилаларнинг турмуши келишим қудалар сан-манга бориб, жанжал-тўпалонлар бошланади. Бир-бирини сизлаб, ҳурматлаб юрган қудаларнинг энди озидан боди кириб-шоди чиқиб, бир-бирларини шундай ҳақорат қилишадик, эшитиб ёқа ўшлайди киши. Гоҳида эса яқингинада қиз узатиб ёки ўғил уйлантирган оналарнинг ҳарсратидан чанг чиқиб қолади. Арзимас сабабларни баҳона қилиб оилаларида кўчага олтиб чиқиб «дастурхон» қилишади. «Вой, келин қилишда адашдим, шундай беъмани, пасткаш одамларга учрадимки... Қудаларини ундай, келиним бундай», дея бўлмағур бўҳтонларни тўқиб, ғийбат қилишади.

Лекин гоҳ-гоҳида қудаларини, келинларини мактаб, оғзидан бол томадиган қайноналарни ҳам учратиб қоламиз. Бир яқин опахоним бор, Юридик фанлари номзоди Раъно опа Раҳимбекова билан кўп бор сўхбатда бўламан. Катта ҳаётий таърибага эга бўлган бу ширинсўз, соддадил опа билан ҳар гал учрашганимда доимо келинлари, қудалари ҳақида яхши гаплар айтиб, улардан миннатдор эканликларини айтдиладар. — Қудаларим, келинларим «тилла», — дейдилар Раъно опа. — Шу қудам Дилоромхон ҳақида газетатга ёзинг. Жуда аjoyиб, камтарин, меҳрибон, меҳнатсевар, дилбар аёл. Келинимни айтмайсизми, Дилраънохон ҳам худди оналарининг ўзи. «Онасини кўриб қизини ол», деган мақол бежиз айтилмаган экан. Қудам билан ёш опа-сингил бўлиб қолганми. Жуда аҳил ва иноқимиз.

Раъно опанинг «Шу қудам ҳақида бир ёзинг», деган гапларидан сўнг Дилором опа мутахассис бўлган онахон узоқ йиллардан бўён «Тошвиллийловчтранс» давлат акциядорлик концернининг режалаштириш бўлимида етакчи ходим бўлиб меҳнат қилиб, ўз касбига садоқати, жонқурлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат-обрў қозонган. Дилором опанинг ҳаётда ҳам оғир ташвишлик қўнлар кечди. 27 ёшида турмуш ўртоғининг бевақт ўлими унга катта бахтсизлик бўлди. Лекин онахон, ҳаёт давом этавергани айтмайсизми, Дилраънохон ҳам худди оналарининг ўзи. «Онасини кўриб қизини ол», деган мақол бежиз айтилмаган экан. Қудам билан ёш опа-сингил бўлиб қолганми. Жуда аҳил ва иноқимиз.

позанда ҳам. Барака топсин, — дейди Раъно опа. — Шундай тарбия берган қудамга минг раҳмат. Бошқа келинларим ҳам шундай мактовга лойиқ. Шундай келинлар минг этганига Оллоғга беадаб шўқронлар айтмаман. Мен жуда бахтиёр қайнонаман. Ҳа, орамизда мана шундай Раъно ва Дилором опадек қудалари ҳақида оғзидан бол томиб, мактов гапларни айтадиган аёллар борлигиндан хурсанд бўламиз албатта. Мана шундай меҳр-оқибатли қудаларга чин дилдан ҳавас қиламиз ва орамизда бундай инсонлар яна ҳам кўпайишини ният қилиб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Дилором Собирова қизи Дилраъно ва набиалари даврасида.



Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳаттоки келажакки порлоқ, истикболи ёрқин буюк давлат қуришни ҳам аёллар иштирокисиз ҳал этиш мушкул. Оиланинг фазл-барокати кўп жиҳатдан оқила, солиҳа, ширинтилик, очқидил, чевар, пазанда, доно ва зукко аёлларга боғлиқ. Демак аёл маънавияти — оила маънавияти тушунчасининг узвий қисмидир.

ОИЛА МАРКАЗИНИНГ САМАРАЛИ ИШЛАРИ

Сергели туманида соғлом оилаларни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлиги даражасини яхшилаш, қизларини турмушга тайёрлашни мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йил 16 апрелда Сергели туман хотин-қизлар кўмитаси, «Файз» қўшма корхонаси ташаббуси билан «Оила» маркази ташкил қилинди. «Оила» марказида ҳамширалик, пазандачилик, тикиш-бичиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек ёш қизларимизга, ҳаёт остонасига қаддам қўйган келинчаларга турмуш сабақларидан ўғит-

лар ва ҳар хил фойдали маслаҳатларни мутахассис шифокорлар, руҳшунослар, пир-бадавлат кексаси онахонлар ўтказилган тадбирларда, қўндалик оладиган сабоқларда бериб боришади, — дейди туман «Оила» маркази раҳбари Зухра Исмаиловалова. Дарҳақиқат, тумандаги маҳалаларда истикомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул курсларда ўқитиш, оилаларда келиб чиқадиган низо ва муаммоларни ҳал қилиш, ёш йигит-қизларни оилага тайёрлаш мақсадида ушбу марказ анчагина самовли ишларни амалга оширди, десак янглишмаймиз. Мазкур марказ туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Файз» қўшма корхонаси ҳамийлигида ҳамкорлик асосида иш олиб боради. Жорий йилда «Оила» маркази тумандаги 11 та мактабнинг 723 та ўқувчисини уч ой мобайнида кўридан ўтказди ва бу ишда шифокор Мукаррам

Хасанованинг хизмати катта бўлди. Ҳар оянинг учинчи чоршанбасида куннинг иккинчи ярмида тумандаги 32 маҳалланинг хотин-қизлар комиссиялари раисади туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Орипова бошчилигида қилинган ва қилмакда ишларнинг сарҳисобини қилиши, янги режалар тузишда. Яна шунга таъкидлашни истар эдикки, биз марказга борган чоғимизда бу ерда «Аёл саломатлиги — оила гарови» мавзуда тадбир ўтказилган экан. Унда аёллар ва болалар ўртасида учрайдиган камқўнлик касаллигининг олдини олишнинг замонавий усуллари, қариндошлар ўртасида ва эрта ниҳолларнинг зарарли оқибатлари ҳусусида сўз борди. Жамиятда ва оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлигига урғу берилди. **Гулҳебра САТТОРОВА СУРАТДА: «Оила» маркази фаолиятда лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.**

«Тошкент оқшоми»

**ҲУҚУҚИЙ  
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва  
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**5.7. Мерос қолдирувчининг  
меҳнатга қобилиятсиз боқимлари****165. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари деганда қимлар назарда тутилади? Бундай шахслар меросхўр тариқасида ворисликка қайси навбат бўйича қақрилади?**

Мерос қолдирувчининг вафотида қадавр камиди бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Бундай меросхўрлар, агар қонун бўйича бошқа меросхўрлар ҳам бўлса, ворисликка қақрилади. Навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

**160 – 162-саволларнинг жавобида** зикр этилган қонун бўйича меросхўрлар, яъни қонун бўйича иккинчи, учинчи ва тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка қақрилади. Навбатнинг меросхўрлари доирасига қирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотида қадавр камиди бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка қақрилади. Навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари тариқасида ворисликка қақрилади. Навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда қўни билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар (**Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси**).

**5.8. Меросдан мажбурий улуш  
олиш ҳуқуқи****166. Меросхўрларнинг меросдан оладиган улуши қандай белгиланади ва бундай улушни олиш қай тартибда амалга оширилади?**

**Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида** белгиланганидек, мерос қолдирувчининг воёга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олган шахслар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг қамиди ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Шуни назарда тутиш керакки, мерос қолдирувчининг воёга етмаган болалари дейилганда, унинг балоғат ёшига етмаган болалари, меҳнатга қобилиятсиз болалари деганда эса, болаликдан ногирон ёки касаллик, шикастланганлик туфайли ногирон бўлиб қолган болалари тушунилади. Меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-она дейилганда, пенсия ёшига етган шахслар, яъни ёши 55 га тўлган аёллар ва ёши 60 дан ошган эркеклар, шунингдек ногирон кишилар тушунилади.

Мазкур шахслар, васиятномада мол-мулк бошқа меросхўрларга мерос қилиб қолдирилганидан қатъи назар, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга.

**167. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг васиятнома юзасидан ҳамда шу васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома юзасидан даъволашиши ўринлими?**

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар васиятнома юзасидан ҳам, шу васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома юзасидан ҳам судга мурожаат этиб, даъволашишга ҳақли (**Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси**).

Даъво кўчмас мулк (квартира, уй) турган жойдаги ёки бундай мулк бўлмаса, кўчар мулкнинг қатта қисми турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга тақдим этилади.

Икки нусхадаги даъво аризасига меҳнатга қобилиятсизликнинг далиллари – пенсия дафтари, ногиронлик гувоҳномаси ва бошқалар, қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар – тузилганлик гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, васиятноманинг нусхаси, васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

Даъво тақдим этилганда давлат божи тўланади, унинг миқдори пул билан ифодаланган мерос суммасига боғлиқ.

Суд даъвогарнинг мулкий аҳолига қараб уни давлат божини тўлашдан озод қилиши мумкин ёки давлат божи тўлашни кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бож миқдорини камайтириши мумкин. Бунинг учун эса, судьяга даъвогарнинг мулкий аҳоли давлат божини тўлаш имконини бермаслигидан далолат берувчи ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

(Давоми бор)

**Назм бўстонида****ФАРМОНЛАР**

Фойдалидир мустақил юртимдаги Фармонлар, Янги ерлар очилиб, кўпаяди хирмонлар.

Сувада балиқ, саҳрода жайронлар қирилмайди, Асралади табиат, кесилмайди ўрмонлар.

Чет эл билан алоқа яхшилайти ашшани, Кракки нарсаларни олиб келар қарвонлар.

Турмуш фаровон бўлиб, қувончимиз тошади, Инсонларда ошади кўч-қувату дармонлар.

Аллоҳ Юртбошимизга мадад берсин доимо, Тўра, қалбларимизда қолмапти армонлар.

**ДҲСЛАР**

Муқаддас китобимиз Қуръон ўқилур, дўстлар, Ачинарли шу у: аҳён ўқилур, дўстлар.

Ишқий газал, шеърларни ёдлаб олар кўпчилик, Баъзи қисса юзаки — ёмон ўқилур, дўстлар.

Бўш ёзилган романлар унутилар, ўқилмас, Ғояси кўп асарлар ҳар он ўқилур, дўстлар.

Навоий, Қодирий ва Чўлпон китоби, Тўра, Авваллари ҳам ўқилган, ҳамон ўқилур, дўстлар.

**СҒИСАН**

Кимга ёрдам кўрсатсанг, унинг амири сенсан, Кимдан нарса сўрасанг, унинг асири сенсан.

Шукур қилиб бўлига, сирни ошкор этмасанг, Кимга муҳтож бўлмасанг, унинг тенгпури сенсан.

Раҳбар танқид қилганни ҳимоялаб сўз айтсанг, Сақлаб қолсанг жазодан, унинг ғурури сенсан.

Ватанинг тинчлигини сақлаб уни яшнатсанг, Халқнинг севган фарзанди, бахти, сурури сенсан.

**ИЛМСИЗДАН ДАҲО ЙҲҚ**

Қасам ичиб айтаман, мол-дунёда вафо йўқ, Қадрига ет дўстларнинг, ошноларсиз сафо йўқ.

Бировдан ўпкалаган ойнага бир қарасин, Ёмонга ҳам яхшилик қилаверсанг, жафо йўқ.

Ғапни қоп-қоп қилганнинг бой бўлганим кўрмадим, Кўп машаққат чекмасдан, меҳнат қилмай саҳо йўқ.

Ўқиганлардан чиқар дунё билган буюқлар, Тўра, ҳамма ўлкада илмсиздан даҳо йўқ.

Тўра ЖУМАН

**Ҳаётимизни фарзандларсиз тасаввур қилиш қийин. Жондан азиз бўлган болажонларимиз бетоб бўлиб қолгудек бўлса, дунё кўзимизга қоронғу кўринади. Дарҳол наҳот истаб шифокорга югураимиз. Фарзандимиз дарддан фориғ бўлиб, шодон қийкириб, кулиб ўйнаса, қалбимиз чароғон бўлиб, шифокорга раҳматлар ёғдириб, дуо қиламиз.**

**• ЗАҲМАТҚАШЛАРИМИЗ****БОЛАЛАР ДАРДИГА  
МАЛҲАМ БЎЛИБ**

Ҳожимурод Баҳромжонов ҳам мана шундай кўп йиллардан буён болажонлар дардига малҳам бўлиб, олқишу дуолар олиб келаётган шифокорлардан. Ўз касбига меҳр-садоқати, болаларга ғамхўрлигини бутун умри мобайнида намоён этиб келаётган Ҳожимурод акани ҳозирги кунда билмайдиган, танимайдиган одам кам топилса керак.

Тошкент Давлат тиббиёт институтини тамомлаган 1959 йил Қашқадарё вилоятида оддий жарроҳликдан иш бошлаган Ҳожимурод Баҳромжонов 1961 йил шаҳримиздаги 14-шаҳар жарроҳлик касалхонасига ишга келиб, ҳозиргача шу ерда болалар дардига малҳам бўлиб келмоқда. Ўтган давр ичида шифохонанинг йирингли жарроҳлик бўлимига мудирилик қилди. Остеомилит дардига чалинган юзлаб беморлар соғлигини тиклашда ўз ҳиссасини қўйиши шу тажрибаси ортди. Сўнг тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида Ҳожимурод ака режали жарроҳлик бўлимига мудирилик қилиб тайинланди. Ушбу бўлимида кафедра ходимлари билан биргаликда лимфогрануломатоз касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашни йўлга қўйди ва бу тўғрисида китоби ҳам нашр этилди. Ҳожимурод аканинг иш тажрибаси йилдан йилга ошиб борди. У йирингли жарроҳлик бўлимида бактериологик усул билан микробларни аниқлаб, уларга қандай антибиотик таъсир қилиш усулини ўрганиш устида иш олиб борди. Бундан ташқари

махсус «Вакум отсос» аппарати билан остеомилит суякларини тозалаш усулини йўлга қўйиб, кўплаб бемор болаларни соғайтишига ҳисса қўшди. Тез ёрдам ва урология бўлимига мудирилик қилган кезлари болаларда туғма касалликларини даволаш усулини йўлга қўйиш мақсадида Харьков шаҳрида ўз малакасини ошириб қайтиб ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб болаларда жинсий аъзолар генетикасини аниқлаб, уларни даволаш усулини кўллади, натижада 600-700 беморларни даволаб, ўз билими ва маҳоратини яна бир бор намоён этди. Олий тоифали жарроҳ сифатида шифохонада обрў-эътибор қозониб келаётган Ҳожимурод акани кўпчилик ўзига устоз деб билади. Ҳамкасбларининг ҳурматида сазовор бўлиб, ўз касбига меҳр қўйган заҳматқаш фидойи шифокорнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, қатор медаллар ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланди. Ҳозирги кунда Ҳожимурод акани иш фаолиятига 45 йил тўлиб 70 ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳамон ўз касбига меҳр-садоқат билан болалар саломатлигини тиклаш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

—Ушбу касалхона Марказий Осиёда болалар жарроҳлигига асос солинган даво маскани ҳисобланади, — дейди 14-шаҳар болалар жарроҳлик касалхонасининг бош шифокори Моҳиба Обидова. — Ҳожимурод

ака жинсий аъзосида туғма нуқсон билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволайдиган республикада ягона тажрибали шифокор десам адашмайман. У кишининг довруғини аниқлаб нафақат шаҳримиз, балки турли вилоятлардан ҳам беморлар наҳот истаб келади. Ўтган йиллар мобайнида Ҳожимурод аканинг қўлидан юзлаб беморлар ўз дардларига шифо толиб, унинг номига кўплаб миннатдорлик мактубларини йўллашмоқда. Жумладан, яқинда Наманган вилоятидан келган 15 ёшли Дониёр Тоштемиров Ҳожимурод аканинг қўлида даволаниб қайтди. Қуни кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида Дониёрнинг онасидан миннатдорлик мактуби келди. Унда онаизор фарзандини 15 йил қийнаб келган дарддан фориғ бўлишида Ҳожимурод аканинг меҳнати, иш тажрибасига юксак баҳо бериб катта миннатдорчилик билдирган. Бундай мактубларни кўплаб мисол келтириш мумкин.

Беморларни ҳаётга қайтаришдек улғу ва савоб ишга қўл уриб эл олқиши, дуосини олиш катта бахт албатта. Эзгу ишлари билан ўз меҳнати қадри ва эъзозини топаётган Ҳожимурод акадек заҳматқаш шифокорлар ораминда кўп бўлишини истаган ҳолда у кишига ҳамisha соғлиқ ва бардамлик тилаб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТДА: Ҳожимурод Баҳромжонов бемор боланинг аҳолини аниқламоқда.**

## Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ  
ДОМО БУЛУР...

• Инсон кўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси — самимий дўстдир.

• Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

• Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари ватанинг тараққиётига сабаби бўлади.

• Уч нарс дўстликини мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргаллашиб сайру саёҳат қилишлари.

• Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади.

• Икки дўстнинг аҳд-паймонда, меҳру вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

• Алишер Навоий айтиди:  
**Айласалар икки тарафдин вафо, Этгай алар ҳолига анча сафо.**

• Сукрот ҳақим айтиди:  
— Дўстинга йўлиққан вақтингда кулиб, очик юз билан кўриш, яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлиكنинг бошланиши — мадҳ-сано биландир.

• Бир ҳинд донишманди айтди:

— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига, душманниги душман бўлсин, душманнинг дўст тутган киши сени дўст тутмайди.

• Араб фозилларидан Асмаий айтиди:

— Мен бир куни дўстимни кўргани бордим. Дўстим бир киши сифарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Палос ўзинга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан? — деган эдим, у айтди:

— Икки душман бутун ер юзига сифмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сифа олади.

• Исҳоқ Мусилий деган фозил кунлардан бир куни пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстининг қанизаги қолганди. Исҳоқ Мусилий қанизани қақчириб:

— Менга бироз пул керак бўлиб қолди, хожангнинг ҳаммини олиб кел, — деди. Қанизақ хожанининг ҳаммини келтириб берди. Исҳоқ Мусилий дўстининг ҳаминидан ўн сўмини олиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин Исҳоқнинг дўсти уйга келгач, қанизақ хожасига:

— Сизнинг дўстингиз келиб бироз пул сўради, ҳаминингизни олиб чиқиб беришимни ўтинди. Мен у кишининг самимий дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳаминингизни қақчириб бердим. У ўн сўм пул олиб, чиқиб кетди. Ҳаминингизни сиздан берухсат олиб чиқиб берганим учун айбланам. Айбимни кечирасиз, деб умид этаман, — деб узр айтди.

Хожаси севиниб:  
— Раҳмат сенга, меннинг уйда йўқлигимни билдирмасан, самимий дўстимнинг хожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени озод қилдим, — деб қанизақдан кўп миннатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар!

**Байт:**  
**Кори мардонларни ҳўб андеша қил,**  
**То тириксан яхши ишни пеша қил.**



— Бобожон, келинг, бир куч синашайлик.  
— Кўймадинг, кўймадинг-да, энди ўзингдан кўр, полвон.

## МАҲАЛЛАНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Пойтахтнинг Усмон Юсупов гузарига Ҳамза тумани маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кўмита раисларининг ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

— Туманимизда элликта маҳалла бор, — деди "Чўлпон" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси Раъно Усмонова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Йиғилишда маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раислари маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, ёшлар тарбияси ва ёш оилани шаклланишига ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, педагог-тарбиячилар, сардор-посбонлар билан хотин-қизлар кўмиталарининг ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисида фикр алмашилди. Бизнинг маҳалла-мизда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла фаоллари ўсмир ва ёшлар ўртасида миллий қадрият ва анъаналар, ўзаро меҳр-оқибат, кекса авлодга ғамхўрлик қилиш, гий-

вандлик ва унинг оқибатлари мавзуларида суҳбатлар ўтказиб туришади. Ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Р. Усмонованинг таъкидлашича, кейинги пайтларда маҳаллада болалар спортга эътибор янада кучайди. 13 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол жамоаси тузилди, шахмат-шашка, сузиш каби спорт тўғрисида фаол ишлаб турибди. Ёшлар маҳаллаларо ўтказилган шахмат-шашка, сузиш мусобақаларида иштирок этиб яхши натижаларни кўлга киритишди. Буларнинг ҳаммасида маҳалла оқсоқоли Дилбар Абдурахмоновнинг хизматлари катта. Халқимизда "Аёл борки, ободдир уйинг" деб беҳиз айтилган.

— 1963 йилнинг 23 октябригача Брюс билан танҳо учрашганман, — дейди Линда Ли. — Уни севиб қоламан деб ўйламагандим. Чунки эндигина 18 га тўлган, турмушга чиқиш ҳаёлида ҳам йўқ шаддодгина қиз эдим. Қисқаси, кунгунги ўрганишга келган талабалардан бири бўлганман. Бир куни мактаб саҳнида кунг-фу билан шуғулланаётганимизда, зарбимни қайтариб ерга йиқитди... ва ресторанга таклиф этди! Ҳаммаси худди кинолардагидек бўлганди. Брюс менга ёқар, шунинг учун унда яхши таассурот қолдиришни ўйлардим. Уша пайтнинг энг замонавий кўйлагини кийиб учрашувга чиқдим.

Уша оқшом ажойиб, мен учун ҳамма нарса гўзал эди. Узоқ суҳбатлашдик. У ҳақда кўпроқ билгим келар, турли саволларга кўмиб ташлардим. Брюс фалсафа ва психологияни ўқиганини, ўрганганини айтиб, ўз фалсафий қарашларидан ҳам мени огоҳ этди.

«Севги — бу ўтга турган дўстлик. Алангнинг бошланиши сержило, иссиқ ва кудратли бўлади, лекин буларнинг ҳаммаси милтиллаётган чирокдир. Аммо ёш ўтган сайин юрагимиз ўчириб бўлмас икки тафт билан ёнаётган лаҳча севгимиз ҳам зийрак ва сезгир бўлади», — деганди Брюс.

Шу оқшомдаги учрашувдан сўнг уни севмасликнинг имкони йўқ эди. Дорилфунддаги ўқишим, аниқроғи, инглиз тили курси менга оғирлик қила бошлади. Шунда Брюс менга ёрдамга келди. Асли она тили хитой тили бўлса-да инглиз тилининг шундай мукаммал ўрганганини, кўпгина америкаликларга нисбатан унинг сўз бойлиги кўп эди.

1964 йилнинг июлида ҳаётимдаги энг муҳим масалани ҳал қилишимга тўғри келди. Гап шундаки, Брюс кунг-фу дарслари биз яшаб турган Сизтлда яшаш учун етарли маблағ келтирмаслигини, Калифорния штати эса бу ишда жуда қулай жой эканлигини айтиб қолди. Кейин Калифорниянинг Окленд шаҳрига бориб, дўсти, қатор жанговар санъатлар устаси Жеймс Ли билан кенгашиб, август ойида қайтиб келди. Жеймснинг хотинидан никоҳ узугини ҳам олиб келибди.

Бизнинг биринчи уйимиз Жеймс Лининг уйи эди. Биз келгач, кўп ўтмай Жеймснинг хотини икки гўдагини ташлаб оламдан ўтди. Мен уй юмушлари ва болаларга қарар, Жеймсга ёрдамим тегаётганидан жуда хурсанд эдим. Брюс билан тўққиз йиллик ҳаётимизда 11 жойда яшадик. Аммо бундан кайфиятимизни туширмасликка ҳаракат қилардик. Тўғриси айтсам, Брюс билан бирга бўлишимиз ўзи мен учун чексиз бахт эди.

Кетма-кет кинолари намойиш қилина бошланди. Кундан-кун Брюснинг шуҳрати ошиб, киноюлдузга айланиб борарди. Афсуски, машурлар ҳақида фақат яхши гаплар айтила-

вермас экан. Мени турли гийбатлар саросимага соларди. Ҳар сафар Брюс бирор актриса билан роль ўйнаганда албатта галамислар турли миш-мишларни тарқатишарди. Унинг ўлимидан кейин ҳам бундай фиксу фасодлар тинмади. Галамислар турли воқеаларни тўқиб чиқаришар, мен ҳам ногаҳон «Эрим мени шунча пайт аҳмоқ қилдимикан?» деб ўйлаб қолардим.

У кўпинча, «Сен — тақдирнинг менга ато қилган беқиёс хазинаси», — дея ўқитар, — «Сен ва боларимиз ёнимда бўлсангиз бўлди, бу ҳаётим учун зарур эҳтиёж», — дерди. Унинг гаплари самимий ва дилдан айтилларди. Буни қалбим билан ҳис қилар, шунда ҳар хил гумонли ҳаёллар мени тарқ этарди.

Албатта турли муаммолар билан бирга ёқимли жиҳатлар ҳам кўп учради. Брюс машиналарни яхши қўришни яширмасди. Аммо энг севимли машғулот китоб мутолаа қилиш эди. Ҳеч қачон китобларга эътиборсиз бўлмас, уларга гоёларнинг сарчасимаси деб қарарди. Брюснинг кутубхонасида фалсафий китоблар ҳар қандай америколик файласуфнинг китобларидан-да кўп эди.

Унинг ўз хонасида китоблар, газеталар ёки қадимги Хитой дао монахларининг кутубхонасида фалсафий китоблар ҳар қандай америколик файласуфнинг китобларидан-да кўп эди.

Брюс билан яшаган умримда нима ҳақда орзу қилишим мумкин бўлса, ҳаммасини толдим. Биз мижози ҳар хил одамлар эдик: Брюс кайфияти тез ўзгариб турувчи қайноқ ва таъсирчан инсон эди. Танишларим мени вазмин ва ҳиссиётли аёл деб ҳисоблашади. Тўйимизгача Брюс таниш бўлган аёллар

сирасига ҳам тааллуқли эмасман. Лекин мен у билан ҳам-фикр бўла олар, унга оёйишмалик, самимий севгимни бера олардим. Брюс ҳозир ёнимда йўқ. Уси азоб чеккан пайтларим доим қадим Хитой шоири Цзу Ёйнинг сатрларини эсга оламан. Дарвоқе, уни Брюс хитой тилидан инглизчага ўрганди.

Ахир сену мен  
Бир улкан дарахтнинг икки бутоғи  
Сен кулсанг  
Менинг ҳам қалбимда кулгу  
Ўксидинг —  
Менинг ҳам дилимда қайғу  
Фақат ишқ!  
Бўлиши мумкинми ҳаёт ўзгача?  
Ва ё мен?  
Ва ё сен?

Анвар ИНОКОВ тейёрлади.

УЛАРНИ ТАҚДИР  
БИРЛАШТИРГАНДИ

Линда Ли — кунг-фунинг тенгсиз устаси ва машҳур киноюлдуз Брюс Лининг аёли. Қизлик фамилияси Эмери. Америкаликларнинг ўрта қатламига мансуб. Ўзи ҳам кунг-фу билан шуғулланган. Устози Брюс Лининг ўзи. Брюснинг эски дўстларидан бири Фред Вайнтраубнинг фикрини ўқисак Линда Брюс учун қандай ҳамроҳ эканлигини англаб оламиз. «...Брюс кудратли инсон бўлиш билан бирга, унинг қалби меҳрга лиммолим эди. Шундай бўлса-да, у жуда ёлғиз эди. Бу дунёда (тўлалигича) ҳеч кимга ишонмай ўтди, фақат... фақат Линда бундан мустасно».

Брюснинг биринчи уйимиз Жеймс Лининг уйи эди. Биз келгач, кўп ўтмай Жеймснинг хотини икки гўдагини ташлаб оламдан ўтди. Мен уй юмушлари ва болаларга қарар, Жеймсга ёрдамим тегаётганидан жуда хурсанд эдим. Брюс билан тўққиз йиллик ҳаётимизда 11 жойда яшадик. Аммо бундан кайфиятимизни туширмасликка ҳаракат қилардик. Тўғриси айтсам, Брюс билан бирга бўлишимиз ўзи мен учун чексиз бахт эди.

Кетма-кет кинолари намойиш қилина бошланди. Кундан-кун Брюснинг шуҳрати ошиб, киноюлдузга айланиб борарди. Афсуски, машурлар ҳақида фақат яхши гаплар айтила-

## Спорт

## Тўйга тўёна билан

Грециянинг Афина шаҳрида каратэ бўйича ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган Жаҳон кубоги баҳсларининг голиб ва совиндорлари аниқланди. Шуниси кувончлик, ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга шодашода медаллар билан қайтишди. Ушбу беллашуларда терма жамоамиз вакиллари 7 та олтин, 7 та кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга киритишди. Истиклолнинг 12 йиллигига тўёна бўлган ушбу ғалабага ёш каратэчилардан Нодир Хўжаев, Достон Турғун, Ферузбек Тўраев, Шавкат Қўлдошев, Бахтиёр Раҳмонов, Шаҳбоз Аҳатов, Шоҳжаҳон Панжиев, Азим Самиев, Умид Йўлдошев, Жасур Қаюмовлар муносиб ҳисса қўшишди.

### «Тошкент ёзи — 2003» ниҳоясига етди

Тошкент шаҳридаги Республика шахматшашка клубида «Тошкент ёзи-2003» мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақада омадини синаб кўраётганларнинг 11 нафари спорт усталигига номзод, қолганлари шахмат ишқибозлари эканлиги кишини кувонтиради. Хуллас шахматнинг швейцарча усулида дона сурган 49 нафар ҳаваскор шахматчилар орасида 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаган андижонлик шахматчилар оиласи вакили, ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг бронза медали соҳиби Фаррух Каримовга 1-ўринни эгаллаш насиб этди. Турнирда 7 тадан очко жамгарган спорт усталигига номзод, тошкентлик иқтидорли шахматчилар Олим Ташев ва Мўмин Абдуллаевлар иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Акбар Йўлдошев

## АВИАМОДЕЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК МУВАФФАҚИЯТИ

Юртимиз спортчилари Украина пойтахти Киев шаҳрида ўтказилган авиамоделъ спорти бўйича жаҳон Кубоги босқичида иштирок этишди. Мусобақалар мусобақаларнинг тақвим режасига мувофиқ авиация спорт турларининг Халқаро федерацияси — «FAI» ташкилотчилигида ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, авиамоделлар бўйича жаҳон Кубоги беллашулари ҳар йили ўтказилади ва шахсий ҳамда умумжамоа ҳисобида голиблар унинг босқичларида тўпланган очколар рейтингини бўйича аниқланади. Энг кўп очколар айнан Украина ва Россияда ўтказиладиган мураккаб босқичлар давомида жамланади.

Ўзбекистонлик авиамоделчилар «FAI» томонидан таш-

кил этиладиган мусобақаларнинг доимий иштирокчилари ҳисобланишади ва яхши натижаларни кўрсатиб келишади. Бу гал ҳам мамлакатимизнинг аҳил ва моҳир жамоаси эркин учувчи авиамоделлар йўналишида ўзларининг нисмаларга қодир эканликларини намойиш этишди.

Жаҳон Кубоги босқичи олти та тоифадаги моделлар бўйича ўтказилди. Мусобақаларда Америка, Европа ва

Осиё китъаларида жойлашган 9 та мамлакатнинг 200 дан ортиқ спортчилари ўз имкониятларини намойиш этишди. Ўртдошларимиз уч тоифадаги моделлар бўйича мусобақаларда иштирок этидилар ва юқори маҳоратларини кўрсатган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар. Терма жамоамиз аъзоларидан айниқса Е.Хаенко, П.Куцаев, Ш.Исмаиловлар

юқори натижалар кўрсатишди.

Шу ўринда Олмалик тоғ-металлургия комбинати каби ҳомийлар мададини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бундай мурувват тадбирлари жисмоний тарбия ва спортнинг ривожига катта ҳисса қўшади. Бу каби хайрли тадбирлар республикамиздаги бошқа бирлашмалар ва ҳиссадорлик жамиятлари учун намуна бўлиб қолса яхши бўларди. У ёки бу жамоага ҳомийлик ёрдамини кўрсатган ҳолда йирик ишлаб чиқарув корхоналари спортнинг ривожланиши, чемпионлар этишиб чиқиши, бир сўз билан айтганда, соғлом авлоднинг камол топишига ўз муносиб улушларини қўшади.

(Ўз мухбиримиз)

### ТАБИАТ АЖОЙИБЛАРИ

## ҚОПЛОН ВА ГЕПАРД

Қоплон йирик мушук бўлиб гавдаси узунчок, хушбичим ва ўта чаққон. Арслон ва йўлбарсдан кичикроқ йиртқич ҳисобланади. Ўзбекистонда қоплон Боботоғда 600-900 метр баландликда учрайди. 1950 йили Итбулоқ қишлоғидаги Ражаб морхўр қоясидан битта қоплон ушланган. Унинг териси Ўзбекистонда ушланган ягона қоплон эканлигидан дарак беради.

Қор қоплони Ўзбекистонда Туркистон Хисор тизмаларида учрайди. Тахмин қилинишича, мамлакатимизда 10 бош қоплон яшайди. Аҳолининг зич бўлишига қарамай қоплон Чотқол водийсида, айниқса Чотқол қўриқонасининг Майдонтоғ деган қисмида учрайди. Қор қоплонининг ўзига хос томони шундаки, у одамлардан чўчимайдди, уларга ҳужум қилмайди. Қоплонга тушган мушукни бемалол тирикликча бўшатиб олиши мумкин. Қорамолларга ҳужум қилиш мақсадида ҳовлига кириб келган қоплонни итлар ўртага олиб турганида ҳовли эгаси келиб унинг устига тўнани ташлаб ушлаб олган. Қоплоннинг болалари одамга тез ўрғанади. Қозоғистондаги тоғ қояларида қоплон билан овга чиққан қадимий одамларнинг сурати билган.


Гепарднинг кўриниши ихчам, келишган бўйини чўзиб, бошини тикка қилиб юради. Жуда тезкор, соатига 120 километр тезликда югуради.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисми, Қизилқумда ва Устюртда учрайди. Ўзи ин қуриб бир жойда яшмайди. Жайрон,

сайгоқ ва бошқа туёқли жониворлар изидан эргашиб юради. Фақат кўпайиш учун тулки кабиларнинг инларидан фойдаланади. Гепарднинг сони борган сари камайиб бормоқда, бунинг сабаби биринчи навбатда ёввойи туёқли жониворлар сонининг камайиб кетиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда бир бош гепард Бухоро Жайрон питомнигида ашайди. Тутқунликка тез ўрғанади ва болалайди. Иордания, Сурия, Ироқ, Афғонистон ва Ўрта Осиёда, шунингдек Покистон ва Ҳиндистонда қўлга ўргатиладиган.

Гепарднинг қўлга ўргатиш жуда жўн бўлган: бунинг учун дастлабки кунлар мушукка овқат бермасдан оч сақлаш ва ухлатмаслик керак. Очқанча ва уйқусизликдан заифлашган жонивор қўлдан овқат олишга ўрғанади. У ўз эгасига ўрганган уни от ва итга, сўнгра эгар устида ўтиришга ўргатилади. Шундан сўнг овга олиб чиқилади. Одам учун бу мушук хавфли эмас, ундан келадиган зарар ҳам унчалик сезиларли эмас.

Яхё ДАВЛАТОВ,  
биология фанлари доктори.



— Дадаси, манави гиламнинг ҳам чангини қоқиб беринг.  
Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

### ТУРФА ОЛАМ

## АЛВИДО, СЕВИМЛИ ҚЎГИРЧОҚ!

Қўғирчоқ учун энг қимматбаҳо либос неча пул туришини биласизми? Албатта, сиз 100 доллар ёки 200 доллар дерсиз! Барибир адашасиз. Тўғриси, бу бебаҳо матоҳга 5 миллион доллар сарфланган. Тўхтаг, бу либоснинг ўзи эмас, ҳали. Муаллифи Эрик Вэй бўлган қўғирчоқ учун тикилган бу жакет бриллиантлар билан безалган, яна устига устак бриллиантли тўғноғич ҳам қадалган. Бир қўғирчоқ учун шунча пул сарфлашга не ҳолат эди, деган саволга моделчи Эрик бу гўзалликни қизимнинг истагига кўра яратдим, деб жавоб қилди. Вейнинг қизалоғи учун бу кувонч узоққа чўзилмади, чунки бу янгилик жаҳон кеза кетди. Яқинда бу санъатнинг ноёб турини қимомоди аукционига қўйиб, тушган маблағни хайрия мақсадларига ишлатишга қарор қилинди. Алвидо, сеvimли қўғирчоқини!

## БУНДАЙ ТЕЛЕФОННИ КЎРГАНМИСИЗ?

Бу ноёб аппаратни тиниб-тинчимас безакчилар ўйлаб топишди. Сиз, мабодо телефонда гаплашишнинг ашаддий «жиниси» бўлсангиз, бу мослама сизни бефарқ қолдирмайди. Теран фикрли кишиларда ақл бовар қилмас фикрларини амалга оширишларида ёғоч, болалар учун махсус конструкциялар ва бошқа турли хил нарсалар асқотиши табиий ҳолдир. Телефон аппаратлари кўрғазмасини унутилмас гўзаллик оламига айлантиришни удаллаган расом-безакчилар «Одий нарсаларини ҳам ажойиб ва тақрорланмас бўмга айлантириш мумкин бўлганидан биз номукамал фикрлаймиз», дейишади. Италиялик безакчилар ясаган телефон аппарати апельсин солинган қутига ўхшаган бўлиб, алоқа воситасининг юксак намунаси. Унинг деталлари деворлар орасига жойлаштирилган. Аппарат иxtиrhoчилари бундай улкан мосламани қаерга қўйишни маълум, деб топишаркин? Албатта, «Лего» болалар конструкцияси деталларидан фойдаланганлиги сабабли, уни болалар хонасига қўйиш маълум. Кўрғазма томошабинлари нарироқда телефон ва слайд проекторини кўришлари мумкин. Аввалдан бир неча суратларни олиш билан телефон орқали гаплашаётган кишининг жонли эффектини яратиш осон. Расом-безакчиларнинг фикрича, фойдаланувчиларнинг қизиқшини қониқтириш учун иxtиrhoни бошлаш кифоя ва натижада ғайриоддий моделлар дунёга келиши мумкин.

## ЎЗГАНИНГ ҲИСОБИГА ХУШБИЧИМ БЎЛИШГА АҲД ҚИЛДИ

Мюнхенда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган 33 ёшли Кармен олти та банкни умарди. У буни уч соатда бажариб улгурди. Даромад 75 минг маркани ташкил этди. Ёмон эмас. Бу пуллари у нисмаларга сарфлади? 11 мингга тила буюмлар ва Доминикан Республикасига сайёҳлик йўлланмасини сотиб олди. Қолган пулга Кармен пластик жарроҳлик йўли билан танасидаги ортиқча ёғдан ҳалос бўлмоқчи (Карменнинг оғирлиги 90 килограмм тош босарди) бўлди. Аммо, улгурмади. Полиция уни гўзаллик салонининг ўзидак қўлга олиб, қамади.

Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади.



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-2970;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ объект усулида босилади.  
4204 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан ўрибташа омиган

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.